

# ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 40-41 (7019-7022)  
1999 йил 11 ноябрь, пайшанба

Сотувда эркин нархда

## ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

9 ноябрь куни Берлин девори қулаганинг ўн йиллиги нишонланди. Маълумки, 1989 йилги воқеалардан кейин иккиси немис давлатининг қайта бирлашиши учун ижтимоий-сиёсий шароит стилган эди. Берлин деворига хотима берилиши ягона немис давлатининг бунёд бўлишига олиб келди. Бу бирлашган Германия Федератив Республикаси. ГФР нафақат Европадаги, балки жаҳондаги энг тараққий этган давлатлардан биридир. У “катта еттилик” таркибидан жой олган мамлакат. Аҳолисининг сони жиҳатидан Европа қитъасида фақат Россиядан кейин туради. Ҳозир Германияда 82 миллион аҳоли истиқомат қилинти.

\*\*\*

Туркияниң Истамбул шаҳрида Европа Ҳафсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг /ОБСЕ/ навбатдаги олий анжумани бўлиб ўтади. Унда жаҳоннинг оловли миңтақаларидаги вазиятни барқарорлашириш масалалари, шунингдек ўзаро иқтисодий ва инсонпарвар ёрдамини кенгайтириш муаммолари муҳокама этилади. ОБСЕ га аъзо бўлган 50 дан ортиқ давлат раҳбарларининг иштирок қилиши кутилмоқда.

ОБСЕ га 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳам аъзо.

\*\*\*

Жанубий-шарқий Осиё давлатларидан бири Индонезияда Президент сайловлари бўлиб ўтди. Ушбу давлатнинг амалдаги Конституциясига биноан олий раҳбарни 500 кишидан иборат бўлган парламент депутатлари сайдайди. Сайловларда Абдураҳмон Воҳид стакчилигидаги ислом сиёсий кучлари ғалаба қозонди. Парламент аъзолари стук сиёсий арбоб Сукарноутри Меговати хонимни Индонезиянинг вице-президенти этиб сайдадилар.

Шоҳруҳ КАРИМБЕКОВ,  
“Тонг юлдузи”

## ТОПАРМОН, ЛЕКИН ЎТУТАРМОНИМИ?

Халқимиз орасида “Топармон-тутармон” деган гап юради. Яна “Пул топгунча ҳисоб топ” ҳам деб қўямиз. Бўнга қўшимча қилиб “Режасиз иш-қолисиз фиш” ҳам деймиз.

Ҳа, ушбу мақоллар бугунги кунда қанчалик ўз ўрнини топганини ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди.

Фарзандларимиз ёшлик чоғлариданоқ топганинни ўз ўрнида ишлатишини ўрганиб борсалар қандай яхши.

Ана шундай хаёллар билан Тошкент Давлат иқтисодиёт Университети қошидаги иқтисодиёт гимназиясига етиб борганини ҳам сезмай қолибман.

Иқтисодиёт гимназияси бундан уч йил аввал ташкил топган. Ҳозирги кунда бу маскандаги 450 нафар ўқувчи таълим-тарбия олади. Улар олтинчи синфдан математика, инглиз тили фанлари бўйича тест асосида қабул қилинадилар. Энг қобилиятли болаларга гимназияда ўқиши насиб этади. Ўқувчиларга қирқдан ошик

Аесосий фанларимиз кичик группаларга бўлиниб ўқитилади.

Фаридон ака ўттиз йилдан бери маориф соҳасида хизмат қилас экавлар. Болаларнинг ички дунёси, ҳар бир ҳатти-ҳаракати, интилиши уларга маълум. Турли характерли болалар билан тил топишиб, улар қалбидан чукур ўрин олган устоздан шогирдларингизнинг билим савияси сизни қониқтирадими? - деб сўрасам, улар шундай деб жавоб бердилар:

- Албатта қониқтиради. Бизда билимдон, қизиқувчан, интилиувчан болалар жамланган. Уларга фақат яхши таълим-тарбия керак. Биз ўқитувчиларнинг асл мақсадимиз ҳам шу. Жамиятимиз учун бўлажак иқтисодчи олимлар тайёрлашдир. Бу йўлда ҳар бир ўқитувчиларимиз бор меҳнатларини аямайдилар. 5-6-синф математика дарслигининг м у а л л и ф и , профессор Мирфозил Мирзааҳмедов, инглиз тили ўқитувчилари - Муяссан Раупова, Каримжон Умрзоков каби



Ишлаттганлар учун муаммо ҳам топилади. Гимназия эски ётоқхонада жойлашгани учун хоналар анчагина торроқ.

- Худо хоҳласа янги ўқув йилидан бизнинг ўқувчиларимиз учун ажратилаётган бинога кўчиш виятимиз бор, - дедилар Фаридон ака.

Майли, тор бўлса ҳам у вақтингчалик. Лекин шундай тор хоналарда ҳам катта учрашувлар бўлиб туради.

Суҳбат давомида гимназия ўқувчиларининг газетхонлиги ҳақида ҳам сўрадик.

- Болалар иқтисодий, бадиий адабиётларга ҳамиша чанқоқ. Китоб ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатса, газета маънавиятипи бойитади, - дедилар устоз. - Гимназиямиз ўқувчилари “Тонг юлдузи” газетасини албатта ўқийдилар. 450 нафар ўқувчининг ҳаммаси оммавий ва алоҳида-алоҳида ҳолда 2000 йил учун ўз газеталарига обуна бўладилар. Чунки инсон иқтисодий билимларсиз яшай олмайди. “Тонг юлдузи” эса шу билимларни янада мустаҳкамлашда ёрдам беради.



ӯқитувчилар, шулардан ярми профессор, доцент домлалар сабоқ беришади.

- Гимназиямизда математика, компютер, инглиз тили, иқтисод фанлари чукур ўқитилади, - деди доцент, иқтисод фанлари доктори, халқ таълими аълочиси Фаридон ака Усмонов. - Дарсларимиз олти соатдан. Тушдан кейин хоҳловчилар учун қўшимча дарс соатлари ажратилган. Иқтисод фанимиз инглиз тилида олиб борилади.

Домлаларимизнинг номлари мамлакатимизда машҳур...

Фарзандларимизга фақат билим бериш эмас, балки соғлом, бақувват қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиздир. Бунинг учун эса спорт ишларини яхши йўлга кўйиш керак. Гимназиямизнинг 8-синф ўқувчиси Фориг Дўстов тенис бўйича ёшлар ўргасида жаҳонда иккичи ўринни олди. Насиб бўлса Форижон жаҳон чемпиони ҳам бўлади. Биз бунга ишонамиз.

Топармон - тутармон инсонларни алқаймиз. Нега? Чунки топармонлик осон, лекин тутармонлик мушкул иш. Бунинг учун эса ҳам тажриба, ҳам иқтисодий оғлим даркор. Гимназия ўқувчилари шундай мақсад билан билим олишаётган экан, уларга муродингиз ҳосил бўлсин, деймиз.

Феруза ОДИЛОВА.

Болимда күз

## ҚОВУС СУВИНИ ҚҮМСАР ДАРАХТЛАР

Дарахтларни уларнинг меваси териб олинганидан то баҳорда янги хосил тутгунча бўлган давр - ноябрь-март ойларида 2-3 марта сугориш зарур. Буни киши фаслида яхоб (ковус суви) бериш дейилади. Яхобни дарахтлар таги юмшатилганда берилса айни муддао бўлади.

Шуни ҳам айтиш керакки, ер ости суви якин бўлган жойларда яхоб бермаса ҳам бўлади. Кузда тўлиқ хосилга кирган боғ катор ораларига мўл қўқ масса берадиган Никольсон нўхати, рапс ўтлари, беда сепиш мумкин. Бунда кўқ масса ерга кўмиб юборилиб, бир йил дарахтлар ораси қора шудгор ҳолида сакланилади.

Дарахтларни ҳар хил усулда сурориш мумкин. Ҳовузча килиб сугориша дарахтлар атрофиди диаметри

1-3 метрли чуқурлар қазилади. Улар орасидан бир томонлама эгат олинади ва шу эгатларга сув таралади. Бу усулни рельефи хотекис жойларда кўллаш яхши самара беради.

Пол олиб сугориша дарахтларнинг катта-кичилкигига қараб иш тутилади. Бунда дарахт танаси 1-3 метр оралинида узунасига ва кўндалангига қараб 30 см баландликда марзалар олинади, сўнгра полларга ажратиб сугорилади. Полларда сув 6-12 соатгача туради. Бу усул тоб ёнбағридаги боғларда ва шўр босган ерларда кўлланилади. Агар бокқа беда сепилган бўлса, сугориш сонини 3-4 тагача оширишга тўғри келади. Одатда беда боғ катор ораларида 3 йилдан кўп ўстирилмайди. Уч йилдан ортиқ қолган бедазор ерни котиради, бегона ўтларни кўпайтира-


ди ва ўзи ҳам сийраклашиб қолади. Кўпинча томорқа боғларини ариб сугорилади. Бунда тупрок катламлари ва юзасини яхши намга тўйдириш максадида дарахтлардан 70-80 см килиб сугорилади.

Маълумки, яхоб беришдан олдин (октябрь-ноябрь) дарахт атрофларини 27-30 см чуқурликда юмшатиш зарур. Сўнг ҳар бир дарахт атрофига 20-40 кг органик ўйтларга 300-350 грамм фасфор ва 150-200 г калий арапаштириб, бир текисда сочилади ва шудгор олиб кўмилади. Мевали дарахтлардан 1.5-2 метр кочириб сепиладиган маҳаллий ва мавсумий ўйтларни эса 10-20 см чуқурроқ килиб ерга солиш керак, чунки бу зонада илдизлар пастрок қатламларда жойлашган бўлади.

M. Собиров




Дарахт атрофига чуқур олиб сугориш.



Боғларни эгатлаб сугориш.

Номиодиет - математика!

## ИККИ САТИЛ



Иккита мис сатил (кострюл) бор. Уларнинг шакли ҳам, қалинлиги ҳам бир хил. Фақат биринчисининг сифими 2-сидан 8 марта кўп.

Мана шу иккинчи сатил биринчи сидан неча марта оғир экан?

## МАСАЛАЛАРНИ ЕЧИНГ:



1. Ахмад Тошматдан 5 ёш катта. Агар уларнинг ёшлари йигиндиси 37 бўлса, ҳар бирининг ёши нечада?



2. Агар Британия 1 фунти 1.35 долларга тенг бўлса, у холда 1 АҚШ доллари қанча фунтга тенг бўлади?

### Саломатлик

#### ҚАРСИЛАТИБ САБЗИ ЕНГ

Кузнинг салқин тунлари одамнинг рухини канчалар тинкитиради. Тунда пахтазорда кўсаклар очилади. Ишкомларда сарғайиб тушаётган япроқлари орасида солланиб турган узум ғужумлари олтиндай товланиб кўзни камаштиради. У шунчалар етилганки, бармок теккизсангиз, "тарс" этиб ёрилиб кетади. Ойдинда мудраган беҳи кузги шабнамни мирикиб шимиб олишга шошилади. У бугун кечагидек куруқ, тўппа эмас: шундай сувли, шунчалар шарбатга тўлганки...

Ҳаммадан ҳам полизларда семирган сабзиларни айтинг. Айниқса кизил сабзилар! Улар болаларнинг бўйларини ўстириши ниятида ердан, сувдан, хаводан, кўёшдан бор курдатни ўзига тортиб олганди. Болажонлар еб бўлганларидан сўнтина эмас, балки ейиш чоғида ҳам завқ олсин деб бу "ер тагида етилган олтин қозиклар" куз кечаларидан нам еб ётиби.

Олинг, болажонлар шира тўла, шарбату қувват тўла бу неъматлардан баҳрамада бўлинг. Сабзини иложи борича ердан янги кавлаб олинганини танорвул килинг. У витаминалар ва микрэлементларга жуда бой. Сабзи таркибида айниқса керотин маддаси кўп (100 г сабзида 99 мг керотин бор). Янги, хом сабзи болаларнинг ўсишига катта ёрдам беради, маддалар алмашинувини яхшилади. Ундан хатто микроблар ҳам кўрқади: бир тишлам сабзини чайнасангиз, оғиз бўшлигига микроб захи колмайди.

### Иш қөвзлари ёзиши ўрганамиз

#### ТАКЛИФНОМА

Таклифнома - муайян жойга қелиш, бирор тадбирда иштирок этиш илтиноси мазмунидаги хат.

Таклифноманинг асосий қисмлари:  
 1. Саломлашиш;  
 2. Мурожаат этилаётган шахс (ёки шахслар) исм-шарифи;  
 3. Таклифноманинг кисқа мазмuni

баёни;

4. Тадбир ўтказиладиган жой ва вакти;

5. Ким таклиф этаётганлиги, шахснинг исми-шарифи ёки муассасанинг номи, шахс мансаби;

6. Тадбир ўтказиладиган жойга элтувчи транспорт йўнилиши.

#### Намуна:

##### Ассалому алайкум!

Қадрли Шуҳрат ака Камолов!

Мактабимиз ўқувчилари сизни буюк мутафаккир Алишер Навоий ижодига бағишиланган адабий кечага таклиф этади. Кеча 15 ноябр соат 15.00 да мактабимизнинг йиғилишлар залида бошланади.

Хурмат билан Фурқат номли 196-мактаб ўқувчилари.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, 2-Қора Қамиш даҳаси.

Транспорт: 65, 82, 85-автобусларнинг "Табассум дўкони" бекати.

### Билиб қўйган яхши

#### ТУГМА ҚАДАШ СИРЛАРИ

\* Пальто ва жемперингизнинг тутгаси узилган бўлса, қайта қадашда озорқ ҳафсала килинг. Эски чарм кўйкоп ёки сумкадан "танга"лар кесиб олинг-да, уларни тутма қадаладиган жойнинг орқасига кўйиб, сўнг тутмани қаданг. Шунда кийимнинг тутма қадалган жойи ситилиб кетмайди.

\* ҳар кандай тутмани кийимга қадашда тутма остига гугурт чўпи кўйиб, кейин нина тортинг. Кийим билан тутма орасида иш "оёқчалар" хосил бўлади. Қадаб бўлгач гугурт чўпни олиб ташланг. Шундай усулда қадалган тутма илини узилиши қийин бўлади.

\* Тутма қадайдиган ишингизни па-

рафинга суртиб олсангиз, или чидамили бўлади.

\* Кўп ювилган кийимнинг тутмалари хира тортиб қолган бўлса, уларни рангсиз тирноқ лаки билан бўяб кўйинг. У аввалгидек ялтираб кетади.

\* Якка қолган чиройли тутмаларни ташламанг - улардан соч баргак ясашда фойдаланингиз мумкин.



### Одобнома

#### ҲАММАСИДА - БИР МАҶНО



Уят, номус,  
шарм, ҳаё, ор,  
орият, андиша, ибо

Бу сўзлар изза ҳисси, хижолатлик хиссининг номларидир. Улар ўзару мукобил. Шундай бўлса-да, айни пайдада нозик маъно кирралари билан бир-биридан фарқ киласди.

Уят кенгрок тушунчага эга. Шарм, ор, ҳаё сўзлари якка ҳолда кам кўлланилади. Шарм, ҳаё сўзларини кўпинча жуфт ҳолида (шарм-ҳаё) кўллашади. Ор сўзи ҳам кўпинча номус сўзи билан жуфт ҳолда (ор-номус) кўлланилади. Шунингдек, ор сўзи кўпинча қилмоқ, келмоқ сўзлари билан бирга кўлланилади. Ибо кам ишлатилади. Андиша сўзи эса бу маънода кам кўлланилади. Андиша кўпроқ истиҳолага мукобил бўлиб киласди.

Мисоллар: Бетамизда бет бўлмас, безорида уят бўлмас (мақол). Хато қилмоқ бордир, тузатмаслик ордир (мақол).

Диккат! Конкурс XXI аср фани бүйиче

# “ИҚТИСОДИЁТДАН САБОҚЛАР” СИРТҚИ МАКТАБ КОНКУРСИННИГ 1999-2000 ЎҚУВ ЙИЛГИ МАВСУМИ

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсанынг 1999-2000 йилги мавсуми лойхада муаллифлари - фан номзодлари Эргашвой Сариков ва Баҳодир Ҳайдаровларнинг ташаббуси билан яна бошланди. Бу йилги конкурс билан бир қаторда яна уч ўйналиш бүйича алоҳида кичик конкурслар ўтказилади:

I ўйналиш: Энг яхши иқтисодий мазмундаги мақолалар конкурси

II ўйналиш: Энг яхши бизнес режа лойхалари конкурси

III ўйналиш: Энг яхши рекламалар конкурси

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурсанынг ўзагини ўқув йили давомида олиб бориладиган дарс топшириқлари асосидаги асосий конкурс ташкил қиласди. Бошқа кичик конкурсларга қатнашмоқчи бўлган ўқувчилар бу асосий конкурс шартларини йил давомида бажариб боришлари шарт.

“Иқтисодиётдан сабоқлар” сиртқи мактаб конкурса оид дарс материаллари ва топшириқлари ҳар ҳафта газета орқали берив борилади. Сиз дарс материалини ўрганиб чиқиб, топшириқларни бажариб жавоб йўллашингииз зарур бўлади. Топшириқ шартларини газетадан кўчириб олишинги ёки ўндан ксероксада нусха олиб, тўлдириб жўннатишинги мумкин. Шунингдек, топшириқни бевосита газетадан қўйиб олиб тўлдириб йўллашинги ҳам мумкин.

Конкурснинг якуний босқичи 2000 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ёки ёз пайтида сўлим оромгоҳларнинг бирида 3-4 кун давомида ўтказилиши мўлжалланмоқда.

Асосий конкурс гелибларини телевизор, магнителефон, аудио-плеер

каби қимматбаҳо совринлар кутмоқда. Колган кичик конкурс шартларини газетанинг кейинги сонларида эълон қиласми. Кичик конкурс гелиблари учун ҳам алоҳида маҳсус совринлар белгиланган.

XXI аср фани бўйича ўтказилётган конкурсга турли янгиликларга қизиқувечан, тиришқоқ ва изходий фикрлайдиган ўқувчиларни таклиф қиласми.

Олад сизга ёр, билим мададкор бўлсин!

Конкурс ташкилотчилари

## ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

### 5 - ДАРС

#### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ

Иқтисодиёт ишлаб чиқаришдан бошланади. Одамлар учун зарур бўлган турли туман неъматлар, нарса ва буюмлар табиатда тайёр холда учрамайди. Уларни одамларнинг ўзлари яратишлари, ишлаб чиқаришлари лозим бўлади. Шу сабаб, ишлаб чиқариш одамлар ҳаётида муҳим ўрин тутиб, иқтисодиётнинг пойдеворини ташкил қиласди.

Ишлаб чиқариш учун ресурслар керак бўлади. Ишлаб чиқаришга жалб қилинган ресурслар факат манба сифатида эмас, балки уни ҳаракатга келтирувчи, унга таъсир этувчи омил сифатида ҳам қаралади. Шу сабаб ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларни ишлаб чиқариш омиллари, деб ҳам атасади.

Маълумки, ресурслар табиий, меҳнат ва капитал ресурслари кўринишида бўлади. Демак, ишлаб чиқаришнинг омиллари ҳам асосан табиий, меҳнат ва капитал кўринишдаги турларга бўлинади.

Кейинги пайтларда ишлаб чиқаришнинг табиий, меҳнат ва капитал омиллари қаторига, тўртинчи омил - одамларнинг ишлаб чиқаришни уюштириш ва ташкил килиши билан боғлиқ фаoliyatлари - тадбиркорликни ҳам киритишмоқда.


Курилиш учун энг зарур бўлган цемент ишлаб чиқаришни ташкил қилиш мисолида, унинг билан боғлиқ омилларни аниқлайлик. Маълумки, цемент ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун, биринчидан табиий ресурс - цемент олинидиган тор жинси бўлиши керак. Демак, табиий ресурс ҳисобланмиш - тоғ жинсининг борлиги, ишлаб чиқаришга сабабчи бўлиб, унинг омилга айланади.



Иккинчидан, цемент ишлаб чиқариш учун меҳнат ресурслари одамлар - ишчи кучи бўлиши лозим. Меҳнат омил - одамларсиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди.

Учинчидан, тоғ жинслинини қайта ишлаб ундан цемент оладиган асбоб-ускуна, бино ва иншоотлар ҳам бўлиши керак. Бу ресурсларнинг борлиги цемент ишлаб чиқаришнинг капитал омилига айланади.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юкорида саналган ҳар уччала омил ўзича алоҳида алоҳида мавжуд бўлмай, улар ўзаро бирлашган тақдирдагина цемент ишлаб чиқариш амалга ошади, ҳаракатга келади.



#### Ишлаб чиқаришнинг омиллари

Бу омилларни ўзаро бирлаштириш - тўртинчи омил - тадбиркорлик эвазига амалга оширилади. Тадбиркор цемент ишлаб чиқариш имкониятларини ҳаммадан олдин кўриб, ташаббусни кўлга олади. Бу ишни амалга ошириш учун уччала омилни бирлаштиради, бор ресурсларни жалб этади, куч-ғайрати, билими ва ишбилармонлигини ишга солади. Охир-оқибат, унинг хатти-ҳаракатлари, тадбиркорлиги цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга сабабчи - омил бўлади.

Демак, ишлаб чиқариш табиий, меҳнат, капитал ва тадбиркорлик омилларининг бирлашишидан юзага келар экан.

### 5 - ТОПШИРИК

#### ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ

1. Ишлаб чиқариш ресурслари ва омилларининг қандай ўзаро фарқли хусусиятлари бор?

Ресурсларнинг  
хусусиятлари

Омилларнинг  
хусусиятлари

2. Мазкур мавзу моҳиятидан келиб чиқиб омборхонада сақланаётган дастгоҳ билан, ишлаб турган дастгоҳ орасидаги қандай фарқни айтига оласиз?

Жавоб:

3. Мактабда билим олишинги билан боелик бўлган ишлаб чиқариш омилларини сананг.

N	Табиий	Капитал	Меҳнат	Тадбиркорлик
1				
2				
3				
4				

4. Соалини сақлаш тизимини ишлаб чиқаришнинг тадбиркорлик омилни сифатида ким қатнашади? Бу омилнинг моҳиятини тўлароқ таҳлил қилишга уриниб кўринг.

Жавоб:

5. Ишлаб чиқариш омилларининг мұҳиммик даражасига қараб қандай тартибда ёзган бўлар эдингиз? Жавобларинги изоҳланг.

Жавоб:

6. Пахта етишишида қандай ишлаб чиқариш омиллари қатнашади?

N	Табиий	Капитал	Меҳнат	Тадбиркорлик
1				
2				
3				
4				

7. Жумлани тўлдиринг.

Тадбиркорлик омилни бу

8. Куйидаги жумлалар тўери бўлса "+", хотёри бўлса "-" белги қўйиб, ўз муносабатинги билдиринг.

1. Ишлаб чиқариш ресурслари, бошқача ишлаб чиқариш омиллари деб ҳам аталади.

□

2. Ишлаб чиқариш ҳаракатга келиши учун ишлаб чиқаришнинг ҳамма омиллари ўзаро бириккан бўлиши керак

□

3. Тадбиркорлик - меҳнат омилининг ўзгинаси.

□

4. Ишлаб чиқариш ҳаракатга келиши учун табиий омил бўлиши шарт

□

5. Ишлаб чиқариш ҳаракатга келиши учун тадбиркорлик омилининг иштироқи шарт эмас.

□

9. Иккита бир хил тандаги, бир хил шароитда ишлаб чиқариш омилларининг бир яхши фойда билан, иккичи эса зарар билан фаолият кўрсатаяпти. Иккичи заводда ишлаб чиқаришнинг қайси омил яхши иш бермаяпти, деб ўйлайсиз?

Жавоб:

МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА  
ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029. Тошкент шаҳри. Мустакиллик майдони.  
2-йи. 402-хона (Музофар ПИРМАТОВга).

Фильмдан сўнг

Биз "Ўтган кунлар" фильмининг илк талқини-ни болалик йилларимизда томоша қилиб ултурганимиз. Мен бу фильм ҳакида эсласам уч ҳолатни - аравада олиб кетилаётган Отабек ва Мирзакарим Кутидорни, аргимчоқ учти туриб, қаҳ-қаҳ отиб кулаётган Кумушни эслардим, яна Кумушбинонг жон бергаётган пайтидаги ҳолати кўз олдимдан ўтарди.

Ўн тўқиз ёшимизга қадар "Ўтган кунлар" фильми деганларида мана шу ҳолатларни эслардик. Кумушбиби дейишса Гулчехра Жамилова, Зайнаб дейишса Гулчехра Сайдуллаева, Отабек исмини эшитганимизда бизни лол қолдирган Ўлмас Алихўжайев ёдимиизга тушарди. Китоб қаҳрамонлари билан

кино қаҳрамонлари бир-бира гирига куйиб кўйғандек ўхашаш эди, назаримизда. Бироқ биз тилга олган ютуқларидан, кўз олдимизга ўрнашиб қолган ажиги ва бетакор ҳолатларидан қатти назар картинада китобнинг, мукаммал бадий асарнинг нари борса учдан бир қисмигина акс этганди. Балки шу сабаб "Ўтган кунлар"нинг янги талқинини яратиш истаги пайдо бўлгандир!?

Хусусан, янги талқинда Отабекнинг ўзига хос фазилатлари янада яққол кўрсатиб берилган. Айниқса,

унинг бир йўла уч душман билан жанг қилган ва уларни янчган ҳолати Отабек аталмиш қаҳрамон сиймосига муносаб эканидан дарак беради.

Қолаверса, асардаги "Кумушнинг сўз ўйини", "Отана орзуси" каби бобларнинг фильmdа тўлиқ, ба-тафсил акс эттирилгани то-мошабинга кўпроқ манзур бўлади. Кумуш билан Отабекнинг илк бора юзма-юз келган ҳолатлари ҳам худди асардаги каби... Кумушби-би ариқ бўйида таҳорат олаётган Отабекни кўради, унга бир нафас мафтун

бўлади. Аммо бир неча вақтдан сўнг ибо аталмиш хисбу мафтунликдан ҳоли устун чишиб, Кумушни орқасига ўгирилмоқча мажбур этади. Худди мана шу лаҳзада экранда Кумуш орқасига бирданига ўгирилганда ҳаракатга тушиб, тўлғонган ва орқа-олдини тутган сочлар кўринади. Кино кўраётib, асарни яна қайта, бошидан ўқиётган каби ҳолатга тушасиз. Ёки "Кумушнинг сўз ўйини"ни олайлик. Бу ҳолатнинг фильмга кирилгани янги талқининг энг катта ютуқларидан бири деб ўйлайман. Чунки бу ҳолат

асарга жонлилик багишли-ган. Қолаверса, яна бир нарса диккатта сазовор: то-мошабин Мирзакарим кутидор ва Офтоб Ойим сиймоларида эски ўзига қадрдан бўлган Отабегу Ку-мушбинонг кўради. Улар энди Кумушнинг ота-онаси сиймосини ижро этишган. Бир сўз билан айтганда, янги талқинда Кумушга му-носиб ота-она ҳам тўғри танлай олинган.

Томошабин янги талқин-да фақат бир ҳолатга кўни-ка олмаслиги мумкин. У ҳам бўлса, кўпинча салбий ролларни ижро этадиган Ёкуб Ахмедовнинг Юсуф-бек ҳожи сиймосида кўри-нишидир. Бироқ бу ҳолат фильмга бериладиган ба-хора ўз таъсирини ўтказа олмайди.

**Ироди Собиржон қизи.**

## БИЛИМИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

1. Остига чизилган сўз ҳолнинг қайси турига мансуб?

Саксон ота орқадан қараб қолди.

- A. Ўрин ҳоли
- B. Пайт ҳоли
- C. Равиш ҳоли
- D. Микдор ҳоли
- E. Мақсад ҳоли

2. **Ҳ.Бойқаро тахтга ўтиригач, А.Навоий фаолиятида қандай ўзгариш рўй берди?**

А. А.Навоий вазир вазифасига тайинланди

В. А.Навоий Самарқандга сургун қилинди

С. А.Навоий Ҳирот шаҳрининг ҳокими бўлди

Д. А.Навоий муҳрдор вазифасига тайинланди

Е. А.Навоий боз вазир этиб тайинланди

3. **Қўйидаги жумлани қарайлик: "Агар айлананинг уч нуқтаси бир текисликда ётса, бу айлананинг ўзи ҳам шу текисликка ётади".**

Бу жумла:

А. Аксиома

В. Теорема

С. Таъриф

Д. Маънога эга эмас

Е. Айрим ҳолда тўғри, айрим ҳолда нотўғри

4. **Пифагор төоремаси қандай геометрик катталикларни боғлайди?**

Жавоб:

А. Тенг томонли учбурчак томонларини

В. Тенг ёнли учбурчак томонларини

С. Ўтқир бурчакли учбурчак томонларини

Д. Тўғри бурчакли учбурчак томонларини

Е. Ихтиёрий учбурчак томонларини

5. **Қўйидаги шакллардан қайси бири учун ташки чизилган айланан мавжуд бўлиши шарт эмас:**

А. Квадрат

В. Тўғри тўртбурчак

С. Ромб

Д. Тенг ёнли трапеция

Е. Ички чизилган тўртбурчак.

## ЎЗБЕКТИЛИНИ СЕВАМАН

Мен бу суҳбатдошимни тасодифан ТошДУ кутубхонаасда учратиб қолдим. У билан тез орада дўстлашиб олдик. Мени унга қанчалик қизиқишим катта бўлса, унки ҳам менинидан қолишмасди.

Хозир ҳам бу дугонам билан қўнгироқлашиб тураман. У соғ ўзбек тилида муомала қилади. Чет эл талабаларига хос кийинади. Унинг жуда кўп ўзбек дугоналари бор экан. Улар билан ширин суҳбат қурғанларини бир неча бор гувоҳи бўлдим. У мени она юрти Кореяга таклиф қилди. Янги танишган дугонамнинг исми Юнг Жонг, ёши 22 да. Айтишича, ёшини сўраганларни ёқтиримас экан. Мен унга танишувимизни матбуотда, "Тонг юлдузи"да эълон қилишимни айтганимда қувониб кетди. Имкон бўлса газета совга қилишимни сўради. Юнг Жонг жудаям кўп китоб ўқир экан.

Суҳбатимиз ўзимизни таништирганимиздан кейин қизиб кетди.

- Юнг Жонг, сиз бу ерда ўқишини давом эттиришингизга қадар қаерда таҳсил олганисиз?

- Корея мамлакатининг Пусан чет тиллари Университетидаги Ўрта Осиё тиллари бўлимида ўқидим.

- Ўзбек тилини университетда ўрганган экансиз-да?

- Мактабда ҳам мустақил шуғулланар эдим. Кореядаги ўзбек тилини мукаммал ўзлаштириб, уни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистонга келдим.

- Яна қайси чет тилларини биласиз.

- Турк тилини яхши ўзлаштирганиман.

- Нега айнан ўзбек тилини ўрганияпсиз?

- Биласизми, ўзбек халқининг маданияти юксак, тили гўзал, одамлари яхши, меҳмондўст. Мен ўзбек тилини севаман.

- Ҳалқимизнинг қайси фазилатлари сизга ёқди, кўнглини хира тортган манзаралар ҳам бўлдими?

- Йўқ-йўқ. Нималар деяпсиз? Ўзбекистонни жудаям она шахримга ўхшатаман. Ўзбекистонда катта

бозорлар кўп экан. У ерда ҳамма нарса бор.

- Қайси бозорларга бордингиз?

- Қўйлиқка. Лекин у ерда мени бир киши хафа килди...

- Ким экан, нега бундай бўлди?

- Кимлигини билмадим. Мендан садака сўради. Кейин ранжитди.

- Унинг учун мен сиздан кечирим сўрайман. Юнг Жонг оиласиз ҳақида ҳам гапириб беринг.

- Оилада 4 кишимиз. Отам, онам, мен ва укам. Отам иншооччи, онам бошланрич мактабда ўқитувчи, мен ва укам талабамиз. Ужам иктисодиёт университетида ўқиди. Хозир ҳарбий хизматда.

- Нима, Кореядаги йигитлар олий ўқув юртларида үқисалар ҳам ҳарбий хизматга чақириладиларми?

- Ха, кореис йигитлари ўз хишиларига кўра йигитлик бурчларини адо этадилар.

- Ҳозир Кореянинг қайси шахрида турасизлар?

- Пусаң шахрида истиқомат киламиз. Оиламиз ҳозир бошқа ҳовлига кўчишаётган экан.

- Бу ерга келганингизга қанча бўлди.

- Ярим йилча. Бу ерда бир йил бўламиз.

- Қаерда таҳсил оляяпсизлар.

- Ўзбек тилини ўргатиш марказида машғулотларни ўзлаштираяпмиз. Домламиз - Лола Хатамова.

- Юнг Жонг, Ўзбекистондаги корейс аёллар билан ҳам учрашингизми?

- Ҳа, ҳа, албатта.

- Улар ўзгарганими?

- Тўғрисини айтсан, улар бизга нисбатан қари кўринишар экан. Кўп ишлашади. Лекин тили, ҳаёттарзи ўзгармаган.

- Нима сизларда аёллар ишлашмайдими?

- Нега энди, ўқитувчи, доришунос, сотувчи бўлиб ишлашади. Европадагидек аёлларимиз ижтимоий ҳаётимизда мухим ўрин тутишади. Уй бекалари бизда кам.

- Тикувчилар ҳам кўпдир.

- Йўқ, аксинча. Бизда тикувчи кам. Ҳамма кийимлар фабрикада тайёрланади.

- Ўзбек шоир, ёзувчилари-дан кимларни биласиз?


- Алишер Навоий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳхор... қолганлари дафтаримда бор.

- Ўзбек тилини корейс тилидан фарқли жиҳатлари нимада?


- Аксинча ўхшаш жиҳати кўп. Масалан, энг асосийи ўрганишга, ўзлаштиришга қуладай жиҳати корейс тилида ҳам ўзбек тилидагидек феъл оҳирида келади. Умуман, ўзбек тилини ўрганиш осон.

Бугунги суҳбатимиз ҳозирча шу ерда охирлади. Биз хайрлашдик. Кўнгироқлашадиган бўлдик. Мен дугонамни шанба кунига меҳмонга тақлиф қилдим. У рози бўлди ва кутубхонага муртоола учун кириб кетди. Хозир чет эллик дугонамни ўзбекона кутубхонага келиб олиш режаларини тузалман.


Маҳлиё МИРСОАТОВА.



Машинага 100 та қутини ортган эдилар. Биринчи бекатда 25 та қути қўшишди. Келгуси бекатда 45 тасини олиб қолишиди. Охирги бекатда яна 20 та қути қўшишди. Машинада нечта қути қолганлигини аниқланг.



Доминонинг олтита тошидан шундай тўртбурчак ясангки, уларнинг ҳар бир тарафидаги нуқталарнинг йифиндиси 4 бўлсин.




Археологлар Мексикадан тилла тақинчоқлар топиб олишиди. Уларда маймун тасвирланган эди. Улар тақинчоқларнинг биттаси қалбаки эканлигини дарров пайқашди.


Бу қайси тақинчоқ?



Лабиринтдан юриши юқори ўнг томондан бошлаб, пастки чап томон билан тугата оласизми?



Лабиринтдан ўтишга ёрдам беринг.



Китобларни ўрнини энг кам юриш билан алмаштириб, тартиб рақами бўйича жойлаштиринг.

# ИСМИНГИЗНИ ИФОДАЛОВЧИ СОННИНГ МАЪНОСИНИ БИЛАСИЗМИ?

**Инсон табиати қизиқ:** у ҳамиша ўзининг келгуси тақдир йўли қандай бўлишини олдиндан билишга қизиқади. Шу илинжда у гоҳ мунажжим башоратларини тинглайди, гоҳ пиёлада тик туриб қолган чойчўпига тикилади, гоҳ жуфт япроқли ўсимлик шохчасини олиб ундаги япроқчаларни навбатма навбат узиб ўтиради... Баъзан юлдузларга термулиб ҳаёл сурса, баъзан оддий ҳарфларни ҳатто квадрат тенглама шаклига келтириб, унинг ҳосиласидан "тақдирнома" ўқиди.

Бу каби ҳаракатлар ҳамиша ҳам инсоннинг ҳаёт йўлини аниқ кўрсатиб бермайди, улар ҳатто баъзан бутунлай тескари маъноларни ифодалаши ҳам мумкин. Лекин... одам барibir яхшилик йўлида бундай ирим-сириларга қайта-қайта мурожаат қилаверади. Болалар болалик чоғларида ёзларининг порлок келажагини кўришса, ўмирилар камолот пиллапоясидан кўтарилаётганига ишонишни, ёшлар бўлажак умр йўлдошининг баркамол қиёфасини олдиндан кўриш истагида ёна-верадилар.

Хўш, бу яхшими, ёмонми? Бизнингча, бунақа ирим-сирилар меъёри билан бўлса, у фақат яхшиликка хизмат қилади. Рост-да, одам ўзининг эртаси ҳақида

ўйласа, уни бенуқсон кўришни орзу қилса, бунинг нимаси ёмон! Орзулаган одам ўша орзусига етишга ҳам ҳаракат қиласди-да!

Исмни рақамлар воситасида ифодалаш ҳам дунё ҳалклари орасида қадимдан кенг тарқалган усул. Бугун сизни ана шу завқли машгулот тилсими билан таниширамиз.

Шундай қилиб, аввало ўз исмни-шарифларингизни тўлиқ ёзиб чиқинг. Сўнгра исмингиздаги ҳар қайси ҳарфнинг рақамини аниқланг. Бу жуда осон: алоҳида қоғозга алифбо ҳарфларини (хоҳланг - лотин имлосида, хоҳланг - кирилл ёзувида!) ёзинг ва уларнинг алифбодаги тартиб рақамини белгиланг. **Масалан,**

Демак, янги ўзбек алифбосида A=1, B=2... Z=6... ва ҳ.

У ҳолда исмингиз (масалан) *Lola* дейлил. Сиз L=2, O=5, L=2, A=1 эканини белгилайсиз. Яни, 2+5+2+1=10. Қоидага биноан 1+0=1, чунки сонлар ҳақидаги билимда 0 (ноль) сони ўзи алоҳида келганида ҳеч қандай қийматга эга эмас. Бундан келиб чиқдики, *Lola* исмингиз сон кўрсаткичи 1 (бир) экан.

Шу тариқа ҳар бир киши ўз исмингиз сон ифодасини топиши мумкин (бундай рақамлашни қадим-қадимдан бери сонлар ҳақидаги билим дейилади).

## БИР

Агар ҳисоблаганда исмингиз ҳарфларининг сонли ифодаси 1 бўлиб чиқса, демак сиз ҳаётда ҳамиша бошқарувчи бўлиб ўтасиз. Сиз ҳар қандай шароитда ҳам қизгин фаолият олиб боришга интиласиз. Сиз ҳамиша қандайdir ўзига хос ишлар қилишини, бирорлардан фарқланиб турини интиласиз. Атрофингиздаги кишиларда ёрқин таассурот қолдиришга интиласиз. Ва бу истагингиз баъзан сизни нокуляй вазиятларга тушиб қолишингизга ҳам сабаб бўлади. Сиз ҳудди мана шу эҳтимолнинг олдини олишга ҳаракат қилишингиз зарур. Ҳа, сиз таваккалчиликдан ўзингизни тиймасангиз бўлмайди. Аммо бу - ўз имкониятингиз ва кучингизга ишончнингизни сўндири маслиги керак. Ахир Оллоҳ сизга кучли иродада ва жўшкун табиат ва битмас-туғанмас файрат берган. Бу - олдингизга кўйган жуда юксак мақсадлар чўқисини ҳам забт эта оласиз дегани!

## ИККИ

Бу рақам мурakkab ва беором табиатли кишилар рамзи. Улар ўта мулоҳазакор бўлишади. Бундай одамларни атрофдагилар кайфият одами дейдилар. Улар ўзига ишончсизроқ бўлишади, гоҳ-гоҳ оғир вазиятга тушиб қоладилар. Рамзи 2 рақамли одамлар ҳаётда майда-чўйда ишларга (гапларга) учча эътибор бермаганлари маъқул. Янада муҳими - бу одамлар атрофдаги мунозара ва жанжалларга аралашмагани маъқул, акс ҳолда бундай кўнгилсизликлар "икки"ларнинг кўп қалб кучини олиб кўйиши аниқ. "Икки"лар ўзларини ҳамиша кўпчилик орасида ўтказганлари дуруст. Ёғизлик бундай кишиларни ружан чарчатади. Улар доимо ўзини ёқтирадиган, уни мақтаб, бироз хушомад қиладиган "мухлис"лари орасида вақт ўтказишга ҳара-



кат қилишлари зарур. Ана ўшандагина "икки"лар кўнглида ўзига ишонч туйгуси шаклланади.

## УЧ

"Уч" одамлар кувноқ ва хушчақчак бўлишади. Уларни ҳалқ одамшавандада деб мақтайди. Бундай одамларга доимо атрофдагилар талпиниб яшайдилар. Улар ўзлари билмаган ҳолда ҳам жамиятнинг ўқилдизига айланаб қоладилар. Улар жуда қизикувчан бўладилар. Аммо, афсуски, "уч"ларнинг истак-ҳошилари имкониятидан ортиқ даражада кўп. Шундай бўлса-да, "уч"лар руҳан тушкунликка тушмагани маъқул. Чунки уларнинг жозибали табассуми, ширин сўзлиги ҳаётдаги катта қуроли. Мана шу имконият уларга ҳамиша кўл келади. Ширин сўз ва жозибали табассум бундай кишиларни элга сўйдиртиради.

## ТЎРТ

"Тўрт"лар аниқ фанлар соҳасида, айникса техника оламида ҳамиша ютукларга зришадилар. "Тўрт"лар! Сизларга ҳаёт "жиддий соҳа" деб аталмиш жабҳада билим ва масала эгаллашингизга жуда

кулай шароитлар яратиб беради. Сиз - ишончли, вижонли, айни вақтда ўзига етарли қайсар табиатлисиз! Мувозанатни қадрлайсиз, теварак-атрофингиз тартибли ва шинам бўлишини интиласиз. Сиз ютукларга ва одамлар ишончига осон эришасиз. Сизнинг биргина заиф томонингиз - баъзан кийин, кутилмаган вазиятларга тушиб қолишингиздир. Нима ҳам дердик, бу дунёда ҳам манинг ўз насибаси бор! Агар сиздан бирор маслаҳат сўраса, сиз унга шунақанги самиими, шу қадар доно маслаҳатлар беришга қодирсизи, бу томондан худо сизни жуда сийлаган. Мана шу оқиллик сизни одамлар орасида жуда катта эътиборга сарвар этиши аниқ.

## БЕШ

Ҳаётда мустакилликни ёқтирадилар. Улар жуда киришимли бўладилар. Улар атрофдаги кишилар билан кўпроқ сухбат кўришни, уларнинг фикрини билишга кизикадилар. Аммо "беш"лар кўпичлик билан кенгашаб, ўз билганидан қолмайдиганлар тоифасидан. Янгиликка интилиш, сайру-саёҳатлар билан

шиларнинг жону дили. Улар қандайдир чарчоқ, кўнгил безовталиги ва ёки файриоддий таассутларга ташналик сабабларидан тез-тез сафарларга чиқиб турадилар. Бундан ташқари "беш"лар ўз фалсафий қарашларига эга. Уларнинг ҳаётни бахти ҳодисаларга бой бўлади. Уларга ўйлаб килинган таваккалчилик омад олиб келади.

## ОЛТИ

"Олти"войлар билан "олти"йлар айнича мұхабbat бўбиди бахти бўладилар. Улар ҳамиша қарама-қарши жинсли кишиларнинг диккат-эътиборида туршади. Умуман, "олти"ларнинг теварак-атрофдаги кишилар билан мұносабатлари доимо кўнгилли кечади. Шу сабабли ҳам улар ҳар қандай масалада одамлар билан тинчгина келишиб, ўзи айтган мақсадларга эриша оладилар. "Олти"ларнинг сўзи ҳам иши билан бир бўлади. Шунинг учун жамият уларни хурмат қиласди, ёқтиради.

## ЕТТИ

Бу рақам остиягилар ҳаёт мазгини чакишига санъатга мойил бўлишади. "Етти"лар тўгма истеъодди одамлар. Айни пайтда улар ҳамиша ўз ҳатти-ҳаракатларини кузатиб, таҳлил этиб боришлари шарт, чунки улар аввал-қочондир йўл кўйган хатосини яна тарорлаб кўйиши мумкин. Улар ортиқча тушкунликка тушидан ўзларини асраб юришилари зарур. Доимо бор кўриниб турган ҳақиқатга таяниб иш кўришгани маъқул. "Етти"лар атрофдагиларни улкан ишларни ҳал этишга, жасоратга илҳомлантира оладилар. Бу борада айнича, йигитлар шихоатли, улар ўзи ёқтиранг киши учун тогни талқон қилишга қодир бўлишади. "Етти"лар ўта нозик табиатли. Шу сабабли ҳаёт уларнинг пешонасини силайвермайди. Лекин бундай кишилар ўз қобилиятлари ва меҳнатлари эвазига кўпдан кўп гулдастлар ва олқишилар олиб умр кечиришади.

## Сонлар рангларни ҳам ифодалайди

Сонларнинг яна бир ажойиб хусусияти бор. Улар рангларни ҳам ифодалайди. Ҳар битта сон (бу ерда, аниқроғи рақам) бирор рангга мос. Атрофингизда исмингиз рақамига мос рақами ранглар бўлса, табиатингиз равшан юрасиз, ишларнинг ҳам ўз-ўзидан юришаверади.

Мана, улар:

қизил - бир; зарғалдоқ - икки; сариқ - уч; яшил - тўрт; кўк - беш; қирмизи (тўқ қизил) - олти; қора - етти; кулранг - саккиз; оқ - тўққиз.

Кискаси, мақоламиз бошида мисол келтирганимиз *Lola* табиатига қизил ранг илҳом бағишилайди. Демак, у теварак-атрофда қизил ранг буюмларни кўрганда, эгнида, ўқув куролларида қизил ранг бўлса ҳаётдан кўпроқ завқ олади ва фаол яшайди.

Азиз дўстлар! Юқорида ёзилгандар коида эмас. Лекин асосиз ҳам эмас. Улар минг йиллардан бери жаҳон ҳалклари тўплаган хулоса. Истасангиз ҳаётингизни куришда, кундаклик турмушда, дўстлар билан мұносабатда бу тўхтамларга амал килинг. Ишонмасангиз, ўқингу "одамлар ҳам кизик-да" динг-да, бир кулиб кўйинг. Ҳар қалай, дунёда шундай сир-синаотлар, ирим ва одатлар ҳам борлигидан хабардор бўласиз.

Ёш иктиносидчи.

## САККИЗ

Мазкур рақамга мос исмли кишилар моддий жиҳатдан фаровон яшайдилар. Уларга бойлик худди осмондан тушгандек осон келади. "Саккиз"лар бирор ишни муваффақият қозониш учун сира ҳам тиришиб-тирмаидилар. Улар учун ҳамма нарса ўй ўз-ўзидан мұхайё бўлиб қолгандек. Кискаси, "саккиз"лар файриоддий ишлар билан шуғулланышлари учун ҳамма имкониятлар бор. Шунинг учунни бу тоифа ёшлар чой чўпи айланнишига қараб ҳаёл сурис, фол очишидан тортиб мунажжимлар башоратигача кузатиб юришга, спорт мусобақаларининг натижаларини олдиндан башорат қилиб, дўстлари билан баҳслашишдан то эстрада юлдузларнинг шахсий ҳаётларининг икир-чикирлари, ан хабардор бўлишга вақт топишиади.

Дўстим! Агар сиз "саккиз" бўлсангиз, бундай бехуда махшулотлардан кечинг. Чунки сиз иктидорли инсонсиз. Бас, майдо-чўйдалар билан ўралашиб қолманг. Чунки сиз - улкан ишларни бажаришга қодир одамсиз. Яна бир гап: "саккиз"ларнинг тақдирлари йўл билан боғлиқ. Улар корхона ва йирик компанияларнинг фаолиятини юритиш мосалалари билан сафарга кўп чиқишиади. Шунинг учун сиз ҳозир - ўмирилек даврида ёзларни жадвал "саккиз"ларнинг қатъий ҳаёт тарзини белгилайди. Уларга табиат жуда кўп фазилат, имконият ато этган. Бирор атрофдагилар "саккиз"ларнинг жаҳлини чиқаришга, улар билан баҳслашишга интиладилар. "Саккиз" дўстим! Ёдингизда турсин: сиз учун бирор мавқени ушлаб турисдан кўра уни эгаллаш осонроқ! Ўзга кишилар фикри билан ҳисоблашиб иш тушиша ўрганинг, акс ҳолда кейинчалик "қизарип" қолишингиз ҳеч гапмас. Шу жумладан дўстларнинг билан мұносабатларда ҳам инжиқ бўлмаганингиз дуруст.

## ТЎҚКИЗ

Мулоҳазали, юрак айтгани эмас, ақли буюрган йўлдан юрадиган йигит-қизларнинг исми кўпинча "8" чиқади. Улар ҳеч қачон бир ишга дабдурустдан кўл урмайдилар. Ҳамма нарса аста-секин, режа билан олиб борилади. Эртанги кун тартибидан тортиб ўзларни жадвал "саккиз"ларнинг қатъий ҳаёт тарзини белгилайди. Уларга табиат жуда кўп фазилат, имконият ато этган. Бирор атрофдагилар "саккиз"ларнинг жаҳлини чиқаришга, улар билан баҳслашишга интиладилар. "Саккиз" дўстим! Ёдингизда турсин: сиз учун бирор мавқени ушлаб турисдан кўра уни эгаллаш осонроқ! Ўзга кишилар фикри билан ҳисоблашиб иш тушиша ўрганинг, акс ҳолда кейинчалик "қизарип" қолишингиз ҳеч гапмас. Шу жумладан дўстларнинг билан мұносабатларда ҳам инжиқ бўлмаганингиз дуруст.

Биз Куёш кескин дара жада қызиган газларнинг бир неча қатламидан иборат улкан шар эканини яхши биламиз. Лекин бу ҳақда ва Куёшда рўй бертаётган бошқа ҳодисалар тўғрисида қандай қилиб билиб олдик?

Мунажжимлар махсус асбоблар ёрдамида Куёш тўғрисида кўплаб маълумотлар йигишган. Бундай асбоблардан айримларни санаб ўтиш мумкин: спектрограф, спектролиограф, коронограф, радиотелескоп ва космик зондлар.

Спектрографдан кескин даражада қызиган Куёш газларини ўрганишда фойдаланилади. Унинг ёрдамида Куёш тарататёт-

ган ранглар қайси кимёвий моддаларга боғлик эканини билиб олиш мум-

жимлар коронограф ёрдамида, Куёш тутилишини кутиб ўтирасдан, унинг

тохини суратга олишлари мумкин.

Радиотелескоплар эса

олимларга Куёшдан тара лаётган радиотүлқинларни ўрганиш имконини беради.

Ер атмосфераси сайёрамизга етиб келадиган Куёш радиациясининг асосий қисмини ютиши сабабли олимлар асбобларни атмосферадан юқорига ўрнатишади. Бундай космик зондлар Куёш тўғрисида кўпроқ маълумот йигишга имконият тұғдирди. Гарчи мазкур асбобларнинг техник тавсифлари келтирилмаётган бўлса-да, бу билан сиз Куёш тўғрисида кўплаб маълумотлар йиғиш имконини берадиган асбоблар мавжудлигига ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.

## ОЛИМЛАР ҚҮЁШНИНГ ТАРКИБИНІ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШГАН?



кин. Спектрограф олимларга Куёш нури спектрени доимий суръатда ёзиб бориш имконини беради.

Мунажжимлар спектролиоскоп ёрдамида Куёшдаги турли моддалар қай даражада тақсимланганини аниқлашади. Бу асбобга суратга оловучи мослама ўрнатилгач, у спектролиоскоп деб аталади.

Коронограф - телескопнинг махсус тури. Мунаж-

## БОШҚА САЙЁРАЛАРДА ҲАЁТ БОРМИ?

Биз то шу кунгача бошқа сайёralарда у ёки бу шаклда ҳаёт бор-йўклиги тўғрисида аник маълумотга эга эмасмиз. Мутахассислар космик тадқиқотлар ўтказиш орқали бу саволга жавоб излашмоқда. Лекин шуни аник биламизки, ҳаёт мавжуд бўлиши учун маълум шарт-шароитлар талаб этилади.

Бунинг учун, аввало, зарур температура керак. Барча тирик организмлар фақат маълум, куляй температура мавжуд бўлгандагина яшай олади. Жазира маисиқ ёки қаттиқ совуқда ҳаёт пайдо бўлмайди. Тириклининг яна бир зарур шарти сувдидо. Барча тирик мавжудотлар учун сув керак. Ўсимликларга ёргулук билан бир қаторда минерал моддалар ҳам зарур. Хайвонларга озука манбаи талаб этилади. Улар ўzlари озука то полмайдиган жойларда яшай олмайди.



Ердан бошқа ҳеч бир сайёрада бундай зарур шароитларнинг барчаси мавжудми? Бошқа сайёralар тўғрисидаги билимларни мизга таяниб, йўқ, деб жавоб

беришимиз мумкин. Энди мисолларга мурожаат қиласайлик.

Чўлпон Ерга энг яқин сайёрадир, унинг ўлчамлари ҳам Ернинг ўхшаш Узок вактлар бу икки сайёра эгизаклар деб аталган. Шунга қарамасдан, Чўлпон қалин олтингугурт кислотаси булатлари билан қопланган. Унинг атмосфераси бўғувчи карбонат ангидрид газидан таркиб топган. Атмосфера босими жуда юқори. Температура сайёра юзасида Цельсий шкаласи бўйича 460 даражагача етади. Бу ҳаёт пайдо бўлиши учун жуда иссиқлик қиласади.

Миррих атмосфераси, асосан, карбонат ангидридан иборат. Шунга қарамасдан, унинг юзасидаги температура Цельсий шкаласи бўйича 29 даражадан юқори кўтарилимайди. Аммо - 85 даражагача тушиб кетиши мумкин. Сайёрадаги озигина микдордаги сув ҳам доимо муз ҳолиди.

Демак, зикр этилган сайёralарнинг бирортасида ҳам ҳаёт учун мақбул шарт-шароит йўқ. Ерга яқин сайёralарда ҳеч бир шаклда ҳаёт йўклиги шу тарзда исбот қилинган.



## НУМА УЧУН ШАМОЛЛАРНИНГ НОМИ ТУРЛИЧА?

Шамолнинг "сабо", "эпкин", "ел", "шабада", "самум", "тўфон", "изгирин" сингари ўнлаб номлари бор. Лекин бу унинг ҳамма турлари номи мавжуд дегани эмас. Биз: "Шабада эсяпти" ёки "Шамол туряпти" дейишимиз мумкин. Лекин кўпгина шамолларнинг ўзига хос номи бор.

Улар бундай ўзига хос номларни турли сабабларга кўра олишган. Масалан, сиз "штилга тушиб қолиш" нима эканини яхши биласиз. Бу - бир жойда ҳаракатсиз туриб қолиш, дегани. Шамол турларидан бири "штил шамоли" деб аталади. У кўтарилаётган ҳаво ва паст босимнинг кенг минтақаси мавжуд экваторда пайдо бўлади.

Шамоллар вестлар деб аталади. АҚШ, асосан, ана шундай шамоллар зонасида жойлашган.

Яна бир қанча ўзига хос шамоллар мавжуд. Масалан, муссонлар фасллар алмашинувига қарб ўз йўналишини ўзгартириб турадиган шамоллардир. "Муссон" арабча "мавсум" сўзидан келиб чиқсан. Муссонлар Хиндишонда қиши пайтида иссиқ ва куруқ ҳаво, ёзда эса шамол йўналишида эсиб, кучли ёмғирларни олиб келади.

Франция жанубида истиқомат қилувчи аҳоли шимолдан эсадиган совуқ ва куруқ изгиринни кўркув билан кутишади. У денгиз тарафдан бир неча кунлаб ҳам эсиши мумкин ва одамларга но-кулийлик тұғдирди.

## ҚОР НУМА ФОЙДА КЕЛТИРАДИ?

Қор кўп ёғса, жамият ҳаёти маромини бузиши мумкинлигини ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо у, масалан, бошоқли экинларга, фойда ҳам келтириши мумкин.

Фалла-ўсиши учун, албатта, сув керак. Ариқлардаги сув қаердан пайдо бўлади? Ер ости сувлари борлигини ҳам биласизми? Сув (маълум бир қисмини истисно қилганда) ёмғир ва эриётган қордан пайдо бўлади. У Ернинг устки қатламидан сизиб ўтиб, ариқ ва дарёларга тушади.

Сув ҳамиша кўринмас газ-сув буғи тарзида ҳавода мавжуддир. Зарур шарт-шароит бўлганда, ушбу буғдан муз кристаллчалари ҳосил бўлади. Улар дастлаб булатуга, сўнгра ёмғир ёки қорга айланади.

Дунёнинг кўпгина минтақаларида асосий ёғингарчилик тури, шунинг баробарида сув манбаи ёмғирдир. Аммо қор совуқ зоналар ва тоф каби баландликларда асосий ёғингарчилик тури ҳисобланади. Курғочили минтақаларнинг тогларида йигилладиган қор одам қўли билан яратиладиган ҳар қандай резервуардан катта сув заҳиралари тўпланадиган жойдир.

Бундай қор баҳор ва ёз ойларида эриб, экинларни суғориш учун зарур бўлган сувга айланади. Баъзи минтақаларда дон экинлари фақат қор сувидан ичади. Америка Кўшма Штатларининг гарбий қисмida жойлашган тогларда ёзниң қурғочилик пайтида экинларга қанча сув кераклигини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар олиб борилади.



# БОШЖОТУРМЫЛДАР

**эмасман", - деди.** Милиционер учаласидан бири түгри гапираётгани, иккиси эса ёлғон күрсатма бераёттегини билади. Хүш, ким велосипедни ўирланган?

• "Салом, - дея мактубини бошлайди Сэм. - Афуски сизлар мен билан бирга эмассизлар. Мен Жорж Вашингтон дараҳтидаги олчалардан сотиб олдим. Биласизларми, Вашингтонни қариндошлари боғидаги олча дараҳтини кесиб ташлагани учун пўстагини қоқишиди. Шунда Вашингтон томади ва: "Ха, мен сизларга ёлғон гапирмайман. Дараҳтини кичкина болтачам билан чопдим", - деди. Умуман бу олчаларнинг мазаси бирар яхши экан!"


Ана энди айтингчи, сизнингча Сэм ҳам Жорж каби

лаш лозим бўлиб қолди. Матрослар юкни кран ёрдамида тагхонага тушира олмасдилар. Чунки люк кичкина эди. Кутини куч билан итариб юбориш ҳам хавфли эди. Чунки кема тагига зарар етиб қолиши мумкин. Кун тигида юкни ўраб олганича матрослар муҳокама билан банд эдилар. Шунда матрослардан бири яхши бир фоя топди. Ва тез орада юк тагхонага жойланди. Бу қандай тадбир эди, сиз ҳеч ўйлаб кўрдингизми?

• XVIII асрда Францияда ёшлар дуэлга чиқишини жон дилдан севгандар.

XVIII асрда ёшларнинг кўпчилиги француз зодагонлари оиласига мансуб эди.

Бу француз зодагонларининг кўпчилиги 1789 йилги француз инқилобида ҳалок бўладилар. Шундай қилиб:



росттўими?

• Агар катта жомадонга кичик жомодондагига нисбатан икки баробар кўп китоб кетадиган бўлса, кичик жомадонга 14 та китоб жойланса, икки жомадонга ҳам маси бўлиб қанча китоб кетади?

• Кўпчилик қўлқоплар теридан тикилади. Барча янги қўлқоплар бироз эзилади, баъзилари эса юмшаб қолади. Шундай қилиб:

а) барча қўлқоплар янгилигида бироз эзилади  
б) баъзи қўлқоплар вақт ўтиши билан юмшаб қолади  
в) фақат юмшоқ, чидамли теридан қўлқоп тайёрланади.

Бу тахминларни қай бири тўғри?

• Ҳар кеча тўрт сеҳрар бир-бирига савол беради: "Ўйқуға кетиш олдидан энг охири нимани ечасиз?"

Бу саволга сиз қандай жавоб берасиз?

• Ёзниг иссиқ кунларининг бирида портда муаммоли вазият юзага келиб қолди. Кема тагхонасига катта ҳажмдаги кутини жой-

лаш лозим бўлиб қолди. Матрослар юкни кран ёрдамида тагхонага тушира олмасдилар. Чунки люк кичкина эди. Кутини куч билан итариб юбориш ҳам хавфли эди. Чунки кема тагига зарар етиб қолиши мумкин. Кун тигида юкни ўраб олганича матрослар муҳокама билан банд эдилар. Шунда матрослардан бири яхши бир фоя топди. Ва тез орада юк тагхонага жойланди. Бу қандай тадбир эди, сиз ҳеч ўйлаб кўрдингизми?

• XVIII асрда барча ёшлар француз зодагонлари бўлган;

б) француз инқилобида ўлганларнинг барчаси дуэлчилар бўлган;

в) баъзи француз зодагонлари дуэлни яхши кўрганлар;

г) барча XVIII аср ёшлари француз инқилобида ўлдирилганлар.

Бу мулоҳазаларнинг қай бири тўғри?

• Бир дараҳтда фақат кўк олмалар, бошқасида эса қизили бор эди. Болалар икки дараҳтдаги барча олмаларни териб олишиди. Ва хисоблашса, ҳар 4 та кўк олмага 5 та қизил олма тўғри келар экан. Улар 16 та кўк ва 16 та қизил олма ейишиди. Қолган олмаларни санаб кўришса 2 та кўк олмага 3 та қизили тўғри келар экан. Ҳар бир дараҳтда нечтадан олма бор эди?

• Эрталаб тунги навбатчиликни ўтказган аскар бошлиғи ёнига келиб деди: "Кеча тушимда варварлар шимол томондан бизга бостириб келаётгани ва бугун кечкурун бизнинг қалъага ўюштиришларини



кўрдим". Бошлиқ бу тушга жудаям ишонмади. Шунда бўлсада кўшимча қорувулларни кўриқчиликка кўйди. Ҳақиқатан ҳам, шу кеч варварлар ҳужумга ўтилар. Лекин аскар тушининг аёни билан ҳужум муваффакиятли қайтарилди. Жангдан кейин бошлиқ аскарга огоҳлантиргани учун миннатдорчилик билдирилди. Сўнг уни қамашга буйруқ берди. Нима учун?

• Кема 5 рейси давомида 500 йўловчи ташиган. Биринчи ва иккичи рейсларда умумий 190 йўловчи бўлган. Иккичи ва учинчи рейсда эса 155 йўловчи, учинчи, тўртинчи рейсда 210, тўртнинчи, бешинчидан 225 йўловчи бўлган. Учинчи рейсда кемада неча йўловчи бўлган?

• Фермер оиласида ноңуштада доимо тухум бўлган. Лекин улар товук боқмаган. Шу билан бирга ҳеч ҳам тухум сотиб олишмаган. Қўшиидан ҳам олишмайди, ўғирлашмайди ҳам. Қизик, бу тухум қаердан келар экан?

• Бугун мен паркда одамлар, итлар ва мушукларни кўрдим. Итлар одамлардан кўп эди. Одамлар ва итларнинг 100 та боши ва оёғи бор эди. Одам ва итлар мушуклардан 3 баробар кўп эди. Мен нечта мушук кўрганман?

• 8 та дараҳт бир-биридан 3 метр оралиқда бир катор ўсмокда. Иккича четдаги дараҳт оралиғи неча метр?



**Муассислар:**  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, «СОЛОМ АВЛОД УЧУН» ҲАЛҚАРО ҲАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

**БОШ МУҲАРРИР:**  
Умид АБДУАЗИМОВА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Йўлдош САИДЖОНОВ,  
Омон МАТЖОН,  
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,  
Хотам АБДУРАИМОВ,  
Дадаҳон ЁҚУБОВ,  
Мукаррама МУРОДОВА,  
Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ,  
Музаффар ПИРМАТОВ,  
Феруза ОДИЛОВА,  
Эргашвой САРИҚОВ.  
Баҳодир ҲАЙДАРОВ,

Ижарадаги Тошкент Матбаа комбинатида оғсет усулида 43.351 нусхада босилди.  
Ҳажми 2 босма табоқ.  
Буюртма - К-74-66.  
Газетани PENTIUM-III  
титҳ компььютерида  
А.АБДУҒАФОРОВ  
саҳифалади.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137  
Манзилимиз  
700129,  
Тошкент шаҳар,  
Навоий кўчаси 30-й.  
Тел: 144-62-34